

**Давлат тиббий суғуртаси тизимида фаолият юритадиган тиббиёт
ташкilotлари томонидан маблағлардан фойдаланиш тартиби
тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) билан тиббиёт ташкilotлари ўртасида тиббий хизматлар хариди тўғрисида тузилган шартнома асосида олинадиган маблағларни сарфлаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом давлат тиббий суғуртаси тизимида фаолият юритадиган тиббиёт ташкilotларига нисбатан қўлланилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

тиббиёт ташкilotи – қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ тиббий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс;

бизнес режа – тиббиёт ташкilotи томонидан молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган ҳамда ушбу ташкilotнинг фаолияти (кўрсатиладиган тиббий хизмат турлари, даволанадиган касалликлар, беморлар сони ва бошқалар), жами даромад ва харажатлари (бюджет классификациясининг харажатлар моддалари бўйича) акс эттириладиган ҳужжат;

тиббий хизматлар хариди тўғрисидаги шартнома (кейинги ўринларда – тиббий хизматлар хариди шартномаси) – қафолатланган пакетга киритилган тиббий хизматларни аҳолига бепул кўрсатилиши тўғрисида Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ва тиббиёт ташкilotи ўртасида тузиладиган битим.

2-боб. Тиббиёт ташкilotи маблағларини шакллантириш манбалари

4. Қуйидагилар тиббиёт ташкilotи маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

тиббий хизматлар хариди шартномаси бўйича Жамғармадан олинадиган маблағлар;

пулли хизматлар учун олинадиган тўловлар;

тиббиёт ташкilotи балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган тўловларнинг бир қисми;

давлат дастурлари асосида ажратиладиган маблағлар;
жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;
қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

3-боб. Тиббиёт ташкилотининг бизнес режасини ҳисоблаш ва тузиш тартиби

5. Бизнес режада йил бошига тиббиёт ташкилотига тегишли шахсий ғазна ҳисобварағи (банк ҳисоб рақами)да қолган маблағлар, молия йилида шакллантирилган даромадлар ҳамда йил охирига қолиши қутилаётган қолдиқлар, шунингдек, пулли хизмат кўрсатишдан тушадиган тушумлар прогнози ва уларнинг сарфланиши акс эттирилади.

6. Тиббиёт ташкилотларининг капитал қўйилмалар, янги очилаётган муассасанинг ташкил этиш ва сақлаш харажатлари, жорий ва капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ харажатлар, фан ва илмий изланишлар, эмлаш, сайёр тиббий кўриклар, хомиладорлик нафақаси, шунингдек, кўзда тутилмаган бошқа харажатларни қоплаш билан боғлиқ харажатлар Жамғармадан “аҳоли жон бошига”, “глобал бюджет” ва “ҳар бир даволанган ҳолат учун” тўлов услуби асосида олинган маблағлар ҳисобидан қопланмайди ва бизнес-режага киритилмайди.

Бизнес режада ҳисобга олинмаган харажатлар тегишлилиги бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тегишли (республика, маҳаллий) бюджет маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

7. Тиббиёт ташкилоти тиббий хизматлар хариди шартномаси бўйича Жамғармадан олинадиган маблағлар ва ўз даромадлари доирасида ҳар молия йили учун:

ташкилотнинг таркибий тузилмасини, бўлинмалар ихтисослиги ва улардаги даво ўринлари ҳамда ходимлари сонини, уларни меҳнат таътилига чиқиш режасини мустақил белгилайди, ходимларнинг лавозим маошларини, шунингдек, мукофот ва устамаларидан келиб чиққан ҳолда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар жамғармасини шакллантиради;

бириктирилган аҳоли ва даво ўринлари сонидан келиб чиқиб дори-дармон ва озиқ-овқат харажатларини белгилайди;

ўтган йилдаги ҳақиқий харажатлардан келиб чиқиб талаб этиладиган коммунал хизматлар ҳажмини ҳамда ушбу мақсадлар учун зарур маблағлар миқдорини аниқлайди;

ташкилотнинг моддий-техник базасини ривожлантириш учун маблағлар шакллантирилади.

8. Тиббий хизматлар хариди шартномаси асосида маблағ оладиган тиббиёт ташкилотлари учун амалдаги штат меъёрлари (ходимлар штати сони) тавсиявий ҳисобланади. Тиббиёт ташкилоти раҳбари штат жадвали асосида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар жамғармаси доирасида ходимлар штатини қайта тақсимлаш, ходимларнинг иш ҳақиға бажарилган иш ҳажми ва самарадорлигига кўра устама белгилаш ҳуқуқиға эға.

9. Тиббиёт ташкилотининг таркибий тузилмаси, бўлинмалар ихтисослиги ва улардаги даво ўринлари ҳамда ходимлари сонини ўзгартирилиши худудий соғлиқни сақлаш органи ва Жамғарма билан келишилган ҳолда мазкур ташкилотнинг раҳбари томонидан тасдиқланади.

10. Молия йили якунида тиббиёт ташкилотининг шахсий ғазна ҳисобварағи (банк ҳисоб рақами)даги қолдиқ маблағлар ушбу тиббиёт ташкилоти томонидан тиббий хизматлар хариди тўғрисидаги шартнома шартлари тўлиқ ҳажмда бажарилган тақдирда Жамғармага қайтарилмайди ҳамда келгуси молия йили учун тузиладиган даромадлар ва харажатлар бўйича бизнес-режада йил бошиға қолган қолдиқ сифатида акс эттирилади.

11. Мазкур қолдиқ маблағлар биринчи навбатда тиббиёт ташкилотининг мавжуд кредитор қарздорликларини қоплаш учун йўналтирилади сўнгра, тиббий ёрдам кўламини кенгайтириш, шу жумладан дори таъминотини яхшилаш, қўшимча тиббий хизматларни ташкил этиш (инсулт, миокард инфаркти билан касалланган беморларни реабилитацияси, массаж, даволаш физкультураси, паллиатив ёрдам) учун мутахассисларни жалб қилиш, тиббиёт ташкилотини тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлари билан таъминлаш, таъмирлаш ишларини амалға ошириш ҳамда ходимларни моддий рағбатлантириш учун сарфланади.

12. Тиббий хизматлар хариди шартномаси шартлари тиббиёт ташкилоти томонидан тўлиқ ҳажмда бажарилмаган тақдирда шартноманинг бажарилмаган шартларига мутаносиб равишда Жамғарма томонидан шартнома бўйича тўлов миқдори камайтирилади ёки тўланган маблағлар Жамғармага қайтарилади.

13. Молия йили давомида тиббиёт ташкилоти таркибида янги ташкил этилган таркибий бўлинма (муассаса)ни молиялаштириш Жамғарма билан шартномада кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилмайди. Бунда, янги ташкил этилган таркибий бўлинма (муассаса)ни молиялаштириш ушбу муассаса ёки ташкилотни сақлаш учун Давлат бюджетидан ажратилган қўшимча маблағлари ҳисобидан амалға оширилади.

4-боб. Тиббиёт ташкилотлари томонидан маблағларни сарф қилиш тартиби

14. Тиббиёт ташкилотларнинг юридик шахсға тегишли банк ҳисоб рақами (шахсий ғазна ҳисобварағи)даги бюджет маблағлари сарфланиши қуйидаги кетма-кетликда амалға оширилади:

иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар;

иш ҳақиға ажратмалар;

коммунал хизматлар учун тўловлар;

дори воситалари, шу жумладан реимбурсация, тиббий буюмлар ва сарфлов материалларини харид қилиш ҳамда бошқа харажатларни қоплаш.

15. Қўшимча харажатларни вужудга келтириши мумкин бўлган битимлар (аутсорсинг ва бошқа хизматлар хариди) тиббиёт ташкилотлари томонидан тузилиши Жамғарма билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

16. Тиббиёт ташкилоти томонидан тадбиркорлик субъектига тиббий ва тиббий бўлмаган хизматларни аутсорсингга беришда ушбу тиббиёт ташкилотининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, қўшимча имкониятлар яратиш, мазкур хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ амалдаги харажатлардан ошмаган ҳолда хизматлар сифати оширилиши каби шартлар бажарилиши зарур.

Бунда, ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқаруви органи ҳудудий иқтисодиёт ва молия органи билан биргаликда тиббиёт ташкилоти томонидан аутсорсингга берилган хизматларни белгиланган шартларда бажарилиши юзасидан ҳамда иқтисодий самарадорлиги бўйича мониторинг ўтказиши, мониторинг хулосаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигига киритилади.

17. Тиббиёт ташкилоти томонидан шартнома асосида олинадиган маблағларни “ҳар бир даволанган ҳолат” бўйича олинган қисмига нисбатан:

“ҳар бир даволанган ҳолат” бўйича ҳисоб-китоб қилиниши учун белгиланган ҳажмдан ортиқча ҳажмда тўланган тақдирда, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг доимий ҳисобини олиб бориш ҳамда мазкур маблағларни сарфлаш тиббиёт ташкилотида ташкил этиладиган махсус комиссия қарори асосида тиббий ёрдам кўламини кенгайтириш, тиббиёт ташкилоти ходимларини моддий рағбатлантириш ва моддий-техника базасини ривожлантиришга йўналтирилади;

“ҳар бир даволанган ҳолат” бўйича ҳисоб-китоб қилиниши учун белгиланган ҳажмдан кам ҳажмда тўланган тақдирда, мазкур камомад тиббиёт ташкилоти ходимларини моддий рағбатлантириш ва моддий-техника базасини ривожлантиришга ажратилган маблағлар ҳисобидан, шунингдек режа кўрсаткичларини бажармаган бўғинларнинг харажатларини мақбуллаштириш ҳисобидан қопланади. Бунда, беморларга кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини пасайтирилиши ва ҳажмини камайтирилишига йўл қўйилмайди.

18. Ташкилотнинг раҳбари Жамғарма томонидан тўланган маблағларни мақсадли сарф қилиниши ва уларнинг натижадорлигини таъминлаш, шунингдек, даволанган беморлар тўғрисидаги тиббий ахборот тизимиға киритилган маълумотларни ишончлилиги, ҳаққонийлиги ҳамда ўз вақтида киритилиши учун шахсан жавобгардир.

5-боб. Тиббиёт ташкилотининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини сарф қилиш тартиби

19. Тиббиёт ташкилотининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари қуйидаги устуворлик асосида:

мавжуд кредиторлик қарздорликларини қоплаш;

ташкilotнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

ташкilot ходимларини моддий рағбатлантириш учун сарф қилинади.

20. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан тиббиёт ташкilotларига берилган ҳомийлик маблағлари, агар ҳомий томонидан бошқа талаб белгиланмаган бўлса, тиббиёт ташкilotининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

6-боб. Ажратилган маблағлар аудити

21. Жамғарманинг Аудит хизмати Жамғарма билан шартнома тузган давлат ва нодавлат тиббиёт ташкilotлари томонидан тиббий хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ бирламчи ҳужжатларни, шу жумладан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, иш ҳақиға ажратмалар, коммунал хизматлар учун тўловлар, дори воситалари, тиббий буюмлар ва сарфлов материалларини харид қилиш ва бошқа харажатларни амалға ошириш билан боғлиқ ҳужжатларни кўриб чиқиш асосида белгиланган тартибда ўрганиш (текшириш)лар ўтказилади.

22. Тиббиёт ташкilotи раҳбари Жамғарма томонидан шартнома шартларига мувофиқ ўтказиладиган ўрганиш (текшириш) жараёниға тўсқинлик қилмаслик, текширувлар ўтказиш учун барча керакли ҳужжатларни Жамғармага тақдим этишға шахсан масъул.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

23. Тиббиёт ташкilotи шартнома асосида олинадиган маблағларни ўрнатилган тартибда ҳисобини юритиш, мақсадли ва самарали сарф қилиш, шунингдек, қилинган сарф-харажатлар бўйича молиявий-статистик ҳисоботларни Жамғарма ҳамда ҳудудий иқтисодиёт ва молия органиға ҳар чорақда тақдим этилиши бўйича масъул ва жавобгар ҳисобланади.

24. Ушбу Тартиб талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.